


*Андижон вилояти Асака тумани А.Темур МФЙ ҳудудида
ичимлик сув иншооти қуриш объектига*


**ИШЧИ ЛОЙИҲАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ УЧУН ТОПШИРИҚ**

Андижон – 2022 йил

	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти ҳокимининг 2022 йил 8-февралдаги “Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шакилланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобилан маблағлар ажратиш тўғрисидаги № 59-1-0-Q/22 сонли қарори.
3.	Қурилиш тури	Янги қурилиш ва реконструкция
4.	Молиялаштириш манбаси	Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шакилланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
5.	Буюртмачи реквизити	Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси 59 уй ИНН 305980724, х/р 20210000700974345001 Узсаноатқурилишбанк МФО 00075, ИНН 305980724, ОКОНХ 90213
6.	Лойиҳа босқичи	Ишчи лойиҳа
7.	Бош лойиҳалаш корхонасининг номи	“Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш” ДУК
8.	Лойиҳа қуввати	Лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади
9.	Лойиҳаланадиган иншоотнинг асосий кўрсаткичлари ва рўйхати	<p>Янги қурилиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - МФЙ ҳудудида 1 дона сув олиш иншоотини қуриш (гидрогеология ва экология ҳамда ДАҚН хулосасига асосан); - 1 дона ичимлик сув қудуғини қазииш; - Сув иншоот ҳудудида 1 дона ичимлик сув минорасини ўрнатиш (ҳажмига лойиҳалаш жараёнида аниқлик киритилади); - иншоотни юқори кучланишли электр энергия тармоғига (техник шартга асосан) трансформатор ўрнатган ҳолда улаш (қувватига лойиҳалаш жараёнида аниқлик киритилади); Ички электр энергия таъминотини монтаж қилиш, электр шкаф ўрнатиш ҳамда тунги ёритиш мосламалари билан жихозлаш; - 1 дона энергия тежамкор, ичимлик сув насосини ўрнатиш (қувватига лойиҳалаш жараёнида аниқлик киритилади); - Иншоотни химоя девори билан ўраш ҳамда 1



		<p>дона дарвоза ўрнатиш; - Минорани сливной тармоғини ариқга қадар тармоқ тартиб бориш;</p>
10.	Технологик жараёнлар ва ускуналарга қўйиладиган асосий талаблар	<p>- замонавий автоматлаштириш тизимлари ва сув сарфини ўлчаш қурилмалари қўлланилсин. (уланиш нуқтасида ва сув тарқатиш тугунининг чиқишида); - ички йўл ва йўлакчаларни бетон қопламаси билан қоплаш; - металл ва полиэтилен қувурларни қўллаш (заводда ишлаб чиқарилган); -эпоксид қопламали задвижка ва қайтарувчи клапанлар ўрнатиш; - технологик жараёнларни марказлаштирилган тартибда назорат қилиш, бошқариш ва электр энергия сарфи ҳисобини юритишда SCADA тизимига уланиши мумкин бўлган ўлчов асбоблари ва жиҳозлари қўлланилсин; - Марказий ичимлик сув тармоғига улашнуқтасига аниқлик киритиш учун лойихалаш ташкилоти томонидан Давлат хизматлари марказига ммурожаат қилиб “Техник шарт”ни олиш; - Лойиха 3 нусха ишлаб чиқилсин ҳамда “Андижон сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин;</p>
11.	Иншоот иш режими	Доимий
12.	Ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизими	Мавжуд ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизимларидан фойдаланилсин
13.	Атроф-муҳит муҳофазасига қўйиладиган талаблар	"Атроф-муҳит таъсирига оид баёноти" лойихасини бажариш (ЗВОС)
14.	Рекультивация ва ободонлаштиришга бўлган талаб	Лойихада аниқланади
15.	Режалаштирилган қурилиш муддати	2022 йил
16.	Мажмуаларни ишга тушириш зарурияти ва кетма-кетлиги	Талаб этилмайди
17.	Муҳандислик тадқиқотлар ишлаб чиқариш учун талаблар	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қоида ва йўриқномаларга асосан
18.	Махсус қурилиш шароитлари	<p>- Қурилаётган объектлардаги тупроқларнинг ҳисобланган сейсмиклиги ва хусусиятлари муҳандислик-геологик хулосага мувофиқ. - Лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда ШНК 4.02.00-04 га мувофиқ иш ҳақи ва машиналар ишлаши</p>



		меъёрларига коэффициентлар кўлланилиши.
19.	Лойиҳалаш учун махсус шартлар	<ul style="list-style-type: none"> - Ишчи лойиҳа амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилсин; - Қурилишнинг бошланғич нархлар қонунчиликда белгиланган тартибда бугунги кундаги нархлар ўрганиб чиқилган ҳолда ҳисоблансин; - Лойиҳани ишлаб чиқишда абонентлар ва уланадиган аҳоли сони кўрсатилсин; - Ишчи лойиҳа буюртмачига босма шаклда 3 нусхада ва электрон шаклда тақдим этилсин.
20.	Ҳисоб-китоблар варианти	Талаб этилмайди
21	Фуқаро мудофаасининг муҳандислик-техник чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ва фавқулодда огоҳлантиришлар	Андижон вилояти ФВБ талабларига биноан

“Андижон сув таъминот” МЧЖ
директори



[Handwritten signature in blue ink]

Ш.Матмусаев

[Handwritten signature in blue ink]